



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
РЕКТОРИНИНГ _____ - СОНЛИ БҮЙРУФИ

Тошкент шаҳри

2023 йил «_____» _____

*Университетда “Янги иқлим инновациялари”
(Center for New climate Innovations)ни
ташкил этиши тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон — 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 3 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2030-йилгача яшил иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-436-сон қарорларига мувофиқ ҳамда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш ва ушбу соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Университетда “Яшиил иқтисодиёт” ва янги иқлим инновациялари бўйича мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув дастурлар ва услубий асосларни яратишига кўмаклашиш, соҳага оид илмий-тадқиқотларни йўлга қўйиш, халқаро лойиҳаларни жалб қилиш ва амалга ошириш, экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек, яқин ва узоқ истиқболда иқтисодиётга энергияни тежовчи янги иқлим технологияларни аниқлаш ва уларни жорий этиш бўйича илмий асосланган таклифлар тайёрлаш мақсадида “Янги иқлим инновациялари” (Center for New Climate Innovations) маркази (кейинги ўринда – Марказ) ташкил этилсин.

2. Университет кенгашининг 20__ йил __ _____даги __-сонли қарори асосида тасдиқланган Марказнинг низоми ижро учун қабул қилинсин ва Марказ структураси иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Марказ штат жадвалига мувофиқ 5 та штат бирлиги(директор, котиба, 3 нафар илмий-тадқиқотчи)дан иборат қилиб тасдиқлансин ва университетнинг бюджетдан ташқари маблағларидан ойлик иш ҳақи белгилансин.

4. Марказ структурасида унинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи Маслаҳат кенгаши ташкил этилсин ҳамда унинг таркибига ректор ва проректорлар ҳамда бир нафардан маҳаллий ва хорижий эксперталар киритилиши назарда тутилсин.

5. Марказ директори:

Марказ фаолиятини такомиллаштириш юзасидан университет раҳбариятига таклифлар киритиш;

ўз ваколатлари доирасида белгиланган вазифаларни бажариш чораларини қўриш;

кўрсатилган вазифаларни бажариш учун Университет бўлимларидан зарур хужжатларни талаб қилиш; шунингдек, Университет раҳбариютининг розилиги билан давлат органлари, жамоат ташкилотларидан белгиланган тартибда зарур маълумотларни олиш;

университет раҳбариюти билан келишилган ҳолда Марказ фаолияти билан боғлиқ бошқа ташкилотлар билан алоқаларни ўрнатиш, ҳамкорликда илмий тадқиқот ишларини олиб бориши бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

илмий-таҳлилий тадқиқотларни амалга оширишда жамоатчилик негизида вақтингчалик ишчи гурухлар ва доимий фаолият юритувчи эксперт гурухларини ташкил этиш;

инновацион тадқиқот ва ишланмалар, талабалар ва ёш олимларни тегишли соҳа бўйича лойиҳаларга жалб этиш вазифалари юклансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Марказ:

ҳар йили ўз фаолияти якунлари ва келгуси йилдаги фаолиятининг устувор йўналишлари бўйича университет Кенгашида ҳисбот беради;

ўқув, илмий-инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишга қаратилган ҳамкорлик соҳасида илмий конференциялар, форумлар, семинар-тренинглар, илмий лойиҳа ва дастурларда иштирок этади.

Марказ директори марказнинг Маслаҳат Кенгаши тавсиясига кўра университет ректорининг буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади. Университетни ривожлантириш стратегияси доирасида Марказ тўғридан-тўғри университет ректорига бўйсунади.

7. Молия-иктисод ишлари бўйича проректор М. Юлдашев ва бош бухгалтер в.в.б.

3. Хакимовга:

Марказ очилиши учун университет АРМ биносининг 1-қаватидан жой ажратиш, таъмиrlаш ва керакли жиҳоз ҳамда ускуналар билан таъминлаш чорасини кўриш;

Марказнинг ҳисоб-китоб ишларини ташкил этишда, университетнинг Инновацион жамғармаси ҳисоб рақамидан фойдаланиш;

Марказнинг молиявий фаолиятини, бухгалтерия ҳисобининг йўриқнома қоидалари асосида юритиш вазифалари юклансин.

7. Академик фаолият бўйича проректор М. Эшов, Халқаролаштириш бўйича проректор А. Худайкулов ва Инсон ресурсларини бошқариш бўлими бошлиғи С. Хасановга университетда янги ташкил этилаётган Марказ директори лавозимига номзод таклиф қилиш вазифаси юклансин.

8. Матбуот котиби И. Турсунбаевага:

марказ очилиши ҳақида оммавий ахборот воситаларида, университетнинг веб-сайтида кенг ёритиш ва материалларни электрон кўринишда Интернет тармоғига жойлаштириш вазифалари юклансин.

9. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Ректор

К. Шарипов

КИРИТИЛДИ:

Рақамли иқтисодиёт
факультети декани
Н. Акбаров

КЕЛИШИЛДИ:

Академик фаолият бўйича
проректор
М. Эшов

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича
проректор
Г.Абдурахманова

Халқаролаштириш бўйича
проректор
А. Худайкулов
Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор
М. Юлдашев

Бош бухгалтер в.в.б.
З. Хакимов

Молиялаштириш бўлими бошлиғи
Ш. Якубов

Матбуот котиби
И. Турсунбаева

Девонхона ва архив бўлими
бош мутахассиси
Ш. Каршиева